“Барқарор иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш” бўйича Наманган тумани штабининг

ҚАРОРИ

02.11.2026 йил **№** 83 **Наманган тумани**

Ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга **“Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 11-сентябрдаги ПФ–193-сон “Барқарор иш ўринларини яратиш ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 15-сентябрда ўтказилган муҳокама йиғилишининг 33-сон баёни ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган муҳокама йиғилишининг 2026-йил 9-октябрдаги 35-сон баёнида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, фуқаронинг ёзма равишдаги мурожаати ва “Маҳалла еттилиги”нинг тегишли хулосасини кўриб чиқиб, ижтимоиий реестр, камбағаллик реестри ва камбағаллик чегарасидаги турувчи 5 нафар фуқароларга бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаига эга бўлишлари учун оверлок тикув машинаси олиб бериш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, туман штаби,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 11-сентябрдаги ПФ–193-сон “Барқарор иш ўринларини яратиш ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 15-сентябрда ўтказилган муҳокама йиғилишининг 33-сонли баёни ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган муҳокама йиғилишининг 2026-йил 9-октябрдаги 35-сон баёни ҳамда Наманган тумани маҳаллалар еттилигнинг ёзма хулосалари ва туман Оила ва хотин-қизлар бўлимининг тегишли хулосаларига асосан,

1. **Бешкапа МФЙда** яшовчи Юсупова Шахноза Исмоилжон қизига оверлок (тикув машинаси),
2. **Қўрғонча МФЙда** яшовчи Қосимова Мархабат Акпаралиевнага оверлок (тикув машинаси),
3. **Нуртепа МФЙда яшовчи** Хамракулова Рохила Анваржановнага оверлок (тикув машинаси),
4. **Бешкапа МФЙда** яшовчи Суяркулова дилафруз Илхомжон қизига оверлок (тикув машинаси),
5. **Гулдиров МФЙда** яшовчи Кундузова Шахноза Обиджановнага оверлок (тикув машинаси),

харажатлари учун “Аёллар дафтари” жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича маҳалла еттилиги томонидан тузилган хулосаларни ўрганилганлигини маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. “Бешкапа”, “Қўрғонча”, “Нуртепа”, “Гулдиров” **маҳалла фуқаролар йиғинидаги еттилик аъзолари томонидан** оверлок тикув машинаси олиб бериш харажатлари учун “Аёллар дафтари” жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича берилган хулосасини инобатга олиниб, асос учун қабул қилинсин.

3. Юқорида номлари қайд этилган фуқароларга *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 9-октябрда ўтказилган муҳокама йиғилишининг 35-сон баёни 3-иловасида кўрсатилган Хотин-қизларга тикувчилик, қандолатчилик, ҳунармандчилик ва маиший хизмат кўрсатиш фаолияти учун асбоб-ускуналар **(тикув машинаси, оверлок, печ ва бошқалар)** харид қилиб бериш бандига* асосан “Аёллар дафтари” дафтари жамғармасидан ҳар бир фуқарога 7 000 000 (етти млн) сўмдан 5 нафар аёлларга жами ҳаражатлар учун 35 000 000 (ўттиз беш млн) сўм ***“Аёллар дафтари”*** жамғармаси маблағлари ҳисобидан маблағ ажратилсин.

4. “Аёллар дафтари” жамғармасидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 9-октябрдаги ўтказилган муҳокама йиғилишининг 35-сон баёни талабига асосан амалга ошириш вазифасини туман ҳокимлигининг бош ҳисобчиси Ш.Ўралов зиммасига юклатилсин.

5. Фуқароларга тикув машиналари сотиб олишга ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли сарфланишини ҳамда фойдаланиши таъминлаш ишларини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи (М.Тўйчиева) зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур штаб қарорига асосан тегишлича (ўринбосарлар ёки жамғарма раислари) сотиб олиниши лозим бўлган материаллар ва хизматларни бажарилишини ташкил этиш, туман ҳокимлиги хузуридаги инфратузилма ва фаровонлик жамғармаси бўйича Давлат харидларини амалга ошириш комиссиясига, ажратилган мазкур маблағларни мақсадли, самарали ҳамда белгиланган тартиблар асосида Давлат харидларини амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Саидазимов), (М.Тўйчиева)лар ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман рахбари (Д.Хошимова) тегишли маҳаллалардаги “Ёшлар етакчиси”, “Ижтимоий ходим”, “Хотин қизлар фаоли”га фуқарога ёрдам кўрсатилгандан кейин 6 (олти) ой давомида унинг натижасида оиланинг даромади ошганлигини мониторинг қилиб бориши ва натижалари ҳақида туман штабига ёзма ахборот киритсинлар.

8. Мазкур қарорни қабул қилишга асос хисобланган маҳалла еттилиги томонидан расмийлаштирилган ариза ва ҳужжатларни маҳалла еттилиги томонидан тақдим қилинган хулосани ҳаққонийлиги ва ишончлилиги юзасидан маҳалла еттилиги жавобгар этиб белилансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи Ш.Абубакиров зиммасига юклатилсин.

Штаб раиси,
Наманган туман ҳокими **С.Мўминов**

Штаб раиси ўринбосари - туман
ҳокимининг биринчи ўринбосари **Ш.Абубакиров**

Штаб котиби - туман камбағалликни
қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи **К.Рафиқов**